

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини¹ амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига (Президентнинг 14.01.2011 йилдаги Ф-3557-сон Фармойишининг 3-илоvasи) мувофиқ «Хусусий мулкни муҳофаза этиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари лойиҳани биринчи ўқишда маъқулладилар. Ҳозир уни такомиллаштириш, тадбиркорларнинг, турли вазирликлар ва идораларнинг, экспертлар ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Қонун лойиҳаси шундан кейингина муҳокамага иккинчи ўқишда тақдим этилади.

**ҚОНУНДАН ИШОНЧЛИ
КАФОЛАТ ЙЎҚ**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси
Полянте СВЕШНИКОВ:**

да компенсация қилиниши, хусусий мулкка тажовуз этганлик учун давлат органларининг жавобгарлиги, давлат эҳтиёжлари учун кўчмас мол-мулкни олиб қўйиш тартиби ва шу сингарилар ўз аксини топмаган. Қонун ҳужжатларидаги айрим қоидаларни амалга ошириш механизмлари йўқлиги, бундай ҳужжатларда бир-бирига зид ва ҳавола қилувчи нормалар борлиги ички идоравий норма ижодкорлиги, жинойи хусусиятга мойилроқ омиллар учун яхшигина замин ҳисобланади. Хусусий мулк ҳуқуқи, бундай мулкни муҳофаза ва ҳимоя этишни таъминловчи қонуннинг қабул қилиниши, мулк дахлсизлиги кафолатларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, хусусий мулк ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя этиш асносида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мавжуд ҳуқуқий коллизиялар ечимини топиш имконини беради ҳамда кичик бизнес янада ривож топишига рағбатлантирувчи омил бахш этади.

**ҲУҚУҚ МУСТАҲКАМ
МУЖАССАМ ТОПДИ**

– Полянте Грамитонович, мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий муносабатларининг асосини ташкил этади. Шу боис суҳбатимизни қонун лойиҳаси хусусий мулк ҳуқуқини қай йўсинда белгиламоқда деган саволдан бошласак тўғри бўлса керак?

– Қонун лойиҳаси 37 моддадан иборат. Унда хусусий мулкни ҳимоя этиш соҳасидаги асосий принциплар ва нормалар ҳамда мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳ-

камлаб берилмоқда. Лойиҳада, хусусан, конституциявий принципларнинг тегишли қоидалари расамадга солинган «Хусусий мулк ҳуқуқи» тушунчасига бундай таъриф берилган: «Шахснинг унга қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳиши ва ихтиёри бўйича ҳамда ўз манфаатлари йўлида эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ана шу мулкка бўлган ҳуқуқларини, ким тарафидан бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай бузиш ҳолларини бар-тараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидир».

Шу билан бирга лойиҳада амалдаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормалари аниқлаштирилди, асосий принципни – хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципини амалга оширишни таъминловчи механизмлар муфассал баён этилди.

Биз, қонун ижодкорлари лойиҳани кўриб чиқаётганда энг аввало хусусий мулк ҳуқуқини, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида амал қилиб турган ҳуқуқни қўллануш амалиётининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олдик. Бу борадаги ҳуқуқларни ҳимоя этишнинг мавжуд воқеликларига, мулкдорларнинг конституциявий ва фуқаролик ҳуқуқларига таяндик. Хусусан, қонун лойиҳаси фракциямизда муҳокама этилаётганда ўз меҳнати ва қонуний йўл билан ишлаб топилган хусусий мулкнинг дахлсизлиги жиҳатларига алоҳида эътибор бердик.

МАЖБУРИЙ ШАРТЛАР

– Қонун лойиҳасининг кучли, эътиборли томони, сизнингча, нимада?

– Хусусий мулкни ҳимоя этиш ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилганлиги ва уларга тааллуқли нормалар батафсил баён этилганлигини лойиҳанинг эътиборли томонларидан бири деб ўйлайман.

Қонунчиликдаги янгиликлар**ЯНГИ
ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқishingиз мумкин.

**РИЭЛТОРЛАР АВТОМОБИЛЬ СОТАДИЛАР**

Президентнинг 21.02.2012 йилдаги ПФ-4424-сон Фармони билан Президентнинг айрим ҳужжатларига, хусусан, Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (31.08.2006 йилдаги ПҚ-458-сон) ўзгартиришлар киритилди. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ҳамда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ энди суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларига мувофиқ автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш фақат очик аукцион савдолари орқали амалга оширилади. Савдолар фақат ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари томонидан, махсус ажратилган савдо майдонларида ўтказиладиган очик аукцион савдолари орқали, кўчмас мулкни сотиш эса – риэлторлик ташкилотлари (кейинги ўринларда – савдо ташкилотчилари) томонидан ўтказиладиган очик аукцион савдолари орқалигина амалга оширилади. Олдин очик аукцион савдолари кўчмас мулк биржалари томонидан ўтказилган.

Савдо ташкилотчисини танлаб олишда унинг мазкур соҳадаги тажрибаси ва ишчанлик обрўси, савдо майдонлари, сақлаш жойлари, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, ташкилот молиявий аҳволининг қониқарлилиги, қарздорлиги, шу жумладан бюджет олдидан қарздорлиги йўқлиги, кўрсатиладиган хизматларнинг қиймати ва бошқа мезонлар ҳисобга олинади.

Савдо ташкилотчиси билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармаси ўртасида муддатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йилга шартнома тузилади.

Шартнома муддатини узайтиришда савдо ташкилотчиси томонидан мазкур шартнома шартларига риоя этилгани ҳамда аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги инобатга олинади.

Танловни ўтказиш тартиби, шу жумладан савдо ташкилотчиларини танлаб олиш мезонлари Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш суд ижросини томонидан савдо ташкилотчисига бериладиган буюртма асосида амалга оширилади.

КООПЕРАЦИЯГА ЙЎНАЛГАНЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг 28.02.2012 йилдаги 55-сон қарори билан 2012 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Биринчи босқич – 2012 йилнинг март-июнь ойларида – ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларини, иккинчи босқич – 2012 йилнинг 23 октябрдан 27 октябрга қадар – Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий ва саноат ярмаркаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида қуйидагиларни таъминлашлари шарт:

узоқ муддатли барқарор кооперация алоқаларини яратиш, маҳаллий хом ашё ва саноат

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (12.11.2010 йил) маъруза.

ҚОНУНДАН ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ ЙЎҚ

1-бетда

Негаки, кафолатлар, амалиётнинг кўрсатишича, мулк билан боғлиқ барча муносабатларни тартибга солишнинг мажбурий шартидир. Қонун лойиҳасида хусусан қуйидаги кафолатлар назарда тутилган:

хусусий мулк дахлсизлиги. Бу мулкчиликнинг бошқа шакллари қатори хусусий мулк ҳам давлат ҳимояси остида бўлиб, мулкдорга қарама-қарши турувчи барча субъектлар мулкдор ҳуқуқларини бузишдан ўзини тийишида намоён бўлади. Шуниси ҳам борки, хусусий мулкка ва мулкдорнинг ҳуқуқига ғайриқонуний тарзда тажовуз этиш қонунда белгилаб қўйилган жавобгарликка сабаб бўлади;

хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати борасида чекловларга йўл қўйилмаслиги; мулкдорларнинг тенг ҳуқуқлилиги, яъни мулкдорларга ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда бевосита ёки билвосита чекловлар қилишга қаратилган ҳаракатларга, шунингдек тўғридан-тўғри ёхуд бавосита афзалликлар белгилашга йўл қўйилмаслиги;

мулк ҳуқуқининг мuddатсизлиги;

мол-мулкни хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги. Бу давлат мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнида юзага келган хусусий мулк дахлсиз эканлигини аниқлатади. Бунда эътиборга лойиқ бир жиҳат бор: давлат органларининг, шу жумладан судларнинг юритувида бўлган, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга қаратилган барча ишлар қонун кучга кирган пайтдан эътиборан тугатилади;

мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалик билан аралашувчига йўл қўйилмаслиги. Мулкдорлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, фаолиятларига аралашмаслик принциплари асосида амалга оширилмоғи керак;

хусусий мулкни босиб (эгаллаб) олишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги. Бу ўринда мулкдорнинг хўжалик фаолиятига унинг мулкни босиб (эгаллаб) олишга олиб келадиган ёки уни мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлайдиган ғайриқонуний аралашув ман этилишидек муҳим жиҳат бағоят аҳамиятлидир. Лойиҳада мулкдорга олдиндан фойдасиз эканлиги

аён бўлган шартларни, шу жумладан мол-мулкни, молия маблағларини ёки бошқа мулк ҳуқуқларини асоссиз равишда топшириш талабларини тикиштириш тақиқланиши ҳам айтиб ўтилган;

бузилган хусусий мулк ҳуқуқини тиклаш. Мабодо жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги билан мулкдорнинг ҳуқуқлари бузилган, унга зарар етказилган бўлса, зарар етказган шахс томонидан тўлиқ миқдорда қопланмоғи керак.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги тўртта принцип амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига асосланган бўлиб, мулкдорнинг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш борасида

Шу сабабли ҳам қонун лойиҳасининг бир қанча моддалари мулк ҳуқуқининг тугатилишига тааллуқли бир туркум масалаларни расамадга солишга бағишлангандир. Мулкдорнинг ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда адо этиши, мол-мулкни бошқа шахсга бериши, мулк ҳуқуқидан воз кечиши, мол-мулк нобуд бўлиши (йўқ қилиниши), мулкдорнинг вафоти, мол-мулкнинг мусодара этилиши, ундирув мол-мулкка қаратилиши, шунингдек қонунга кўра мазкур шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг тугатилиши, масалан, мулк ҳуқуқи тугатилишига асос бўлади.

Айтиш жоизки, ана шундай асослар силсиласида хусусий мулк объектларини давлат

моқда.

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК АЙБДОР ЗИММАСИДА

– Давлат органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари учун жавобгарлигига нисбатан талаблар кучайтирилганлиги хусусий мулк ҳуқуқларини тартибга солиш соҳасидаги барқарорлик кафолатларидан биридир. Айтинг-чи, ана шу жиҳат қонун лойиҳасида қандай акс этган?

– Уларнинг ваколатлари, шак-шубҳасиз, аниқ доира билан чекланмоғи лозим. Шу боис лойиҳада давлат органлари томонидан мулкдорга зарар етказадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши қатъиян тақиқланди. Мулк ҳуқуқини амалга оширишга ғайриқонуний равишда аралашишда айбдор давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Уларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида мулкдорларга етказилган зарар қопланмоғи лозим. Бу зарар то суднинг қарори билан бевосита давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ундириб олинади. Кейинчалик мазкур органлар зарар етказишда айбдор мансабдор шахслардан тўлов ундириб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун лойиҳаси хусусий мулк ҳуқуқининг янги ижтимоий муносабатларга ва фуқаролик жамияти принципларига мутаносиб бўлган фундаментал қонунчилик асосларини яратишга қаратилгандир. Комплекс равишда ҳал этиш билан бирга хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар соҳасида очиқ-ошкораликни кучайтиришга, шу кунга қадар расамадга солинмаган тартиб-таомилларни белгилашга, кемтиклик ва камчиликларни бартараф этиб мамлакатимиз қонун ҳужжатларидаги вафоқлик ва зиддиятларни бартараф этишга ҳаракат қилинганлигини лойиҳанинг ютуқлари сирасига киритиш мумкин.

«Хусусий мулкни муҳофаза этиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бир қанча муҳим мақсадларни, хусусан мулк муносабатларини самарали асосда норматив, шу жумладан фуқаролик-норматив жиҳатдан тартибга солиш воситасида мулк ҳуқуқини муҳофаза ва ҳимоя этиш чора-тадбирлари тизимини барпо этиш, иқтисодиётда хусусий мулк собитқадамлик билан, самарали йўсинда фаолият олиб бориши учун қулай шароитларни таъминлаш, тадбиркорлик ташибусларини ва мулкдорнинг фаровонлигини оширишга қаратилган фаолиятини рағбатлантириш мақсадларини кўзлайди, булар эса, маълумки, жамият ва давлат гуллаб-яшнашининг асоси вазифасини ўтайди.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
парламентдаги мухбиримиз.

БУЮК БРИТАНИЯДА ХУСУСИЙ МУЛК

Буюк Британия асрлар мобайнида нисбатан юқори сиёсий барқарорлиги билан ўрнак бўлиб келмоқда. Бундай барқарорлик асосини хусусий мулк муқаддас эканлиги ҳақида анча илгари қабул қилинган қонунлар ташкил этади. Кўплаб ички сиёсий воқеалар содир бўлганлигига қарамай, инглизлар бу қонунни амалда ўзгаришсиз қолдирмоқдалар. Зийрак британияликлар мулкка эгалик туйғуси, мулкка эгалик қилиш ҳолати, қонунга итоаткор фуқаронинг мулкка эгаликнинг тажовузидан чўчиш қанчалик инсон табиатига мос эканлигини тушуниб етдилар. Натижада хусусий мулк тўғрисида қонунларнинг «Вестминстер мақомлари» деб номланган қатъий тизимини ишлаб чиқдилар ва унга бирон-бир ўзгартиш киритмадилар. Кейинчалик бу тизимга ҳар қандай қонунга итоаткор кишининг энг асосий мулки – унинг шахсий ҳаёти ва шахсий ҳуқуқлари дахлсизлиги тўғрисидаги қонунлар қўшилди, холос. Самарадорлик шу даражада юқори бўлдики, Буюк Британияга Конституция ҳам, Жиноят кодекси ҳам керак бўлмади: шуларсиз ҳам кун кўриломоқда, негаки бу диёрда одамлар аниқ мулкнинг аниқ оламида уларнинг ҳуқуқларини кўриқловчи давлатнинг куч-қудрати бузилмаслигига ишончлари комилдир.

ҳуқуқларини анчагина кенгайтиради ва кўчатиради.

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

– Қонун лойиҳасида мулк ҳуқуқининг тугатилиши масаласида нималар дейилган?

– Ҳаёт деганлари жумбоқ ва қутилмаган тасодифларга бой. Баъзан хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар соҳасида ҳар хил қутилмаган муаммолар ва вазиятлар чиқиб қолади. Уларни эса ҳал этиш лозим. Ҳал қилганда ҳам адолатли тарзда, ҳуқуқий норма доирасида иш тутиш керак. Имкон қадар бедодликка, миллий қонун ҳужжатларининг у ёки бу қоидаларини ўзбошимчалик билан талқин этишга йўл қўймаслик зарур.

ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳам назарда тутилган. Бу ишнинг мақсади, принциплари ва ҳажмлари муфассал баён этилган бўлиб, хусусий мулк ҳуқуқи муҳофаза ва ҳимоя этилишини таъминлашда бу нарса жуда муҳимдир. Чунончи, қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи объектлари фақат жамоат манфаати учун хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадидагина (бошқа йўл билан бунга эришишнинг иложи бўлмаган тақдирда) олиб қўйилиши мумкин ва у олиб қўйиш мақсади учун зарур ҳажмдагина содир этилади, бинобарин мол-мулкнинг бир қисми кифоя қиладиган бўлса, шу қисмни олиб қўйиш билан чекланиш лозим. Бундан ташқари, яхлит мол-мулкнинг бир қисми олиб қўйилган тақдирда, мулкдор олиб қўйиш мол-мулкнинг қолган қисмига ҳам татбиқ этилишини талаб қилишга ҳақли, зотан қолган қисмдан аввалги ҳолида ёки бошқа бир тарзда фойдалана олмаслиги мумкин.

Лойиҳада олиб қўйишнинг мақсадига қараб унинг шакли ҳам табақалаштирилган, хусусан национализация қилиш, реквизиция қилиш ва мусодара этиш назарда тутилмоқда. Мулк ҳуқуқи тугатилишининг оқибатлари, жумладан мулкдорга етказилган зарар давлат томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан мол-мулкнинг бозор қийматида қопланиши белгилаб қўйилмоқда.

Дарвоқе, ўзининг мулкка бўлган ҳуқуқини мажбурлов асосида тугатиш ҳолларидан ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат қилинган тақдирда, мулкдорнинг давлат божи тўлашдан озод қилиниши назарда тутил-

чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

3-6-бетлар

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1, 7-бетлар

БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Билетлар қатъий ҳисобот бланкалари ҳисобланади 8-бет

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.03.2012	1	0,7863	1	1,0432	1	0,0268
Арманистон	7.03.2012	1	389,79	1	512,18	1	13,12
Беларусь	8.03.2012	1	8170,00	1	10730,00	1	275,50
Грузия	10.03.2012	1	1,6546	1	2,1885	1	5,5782
Қозғистон	12.03.2012	1	147,99	1	194,18	1	5,03
Қирғизистон	10.03.2012	1	46,556	1	61,5261	1	1,5695
Латвия	12.03.2012	1	0,531	1	0,702804	1	0,0181
Литва	11.03.2012	1	2,611	1	3,4528	10	8,8836
Молдова	12.03.2012	1	11,8642	1	15,5841	1	0,3992
Тожикистон	10.03.2012	1	4,7592	1	6,2628	1	0,1614
Ўзбекистон	13.03.2012	1	1835,75	1	2421,72	1	62,14
Украина	12.03.2012	100	798,75	100	1047,96	10	2,6928
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

– Қонундан ишончли кафолат йўқ
– Валюталар курси 1-2-бетлар
✓ **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори;
- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

«СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ ОЛИШ УЧУН МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
6 мартда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 1749-2

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 10-сон, 107-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., № 9, 497-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

***2012 йил 16 мартдан кучга киради.**

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
18-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2012-10-сон

Тошкент ш., 2012 йил 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

WWW.NORMA.UZ

**СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ ОЛИШ УЧУН
МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА**

1. 3-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин камида беш йил иш стажига, шу жумладан, камида икки йил иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши».

2. 5-бандда:

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган ксероноусхаси»;

«д» кичик бандда «бир йилдан» деган сўзлар «уч йилдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банди билан тўлдирилсин:

«ж) паспорт ёки уни ўрнини босувчи ҳужжат нусхаси».

3. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Имтиҳон модулларида тест саволлари кўрсатилади. Имтиҳон модуллари 60 та тест саволларидан иборат бўлади, жумладан:

юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш — 25;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи — 15;

солиқ ҳуқуқи, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари — 20».

4. Ўзбек тилидаги матннинг 26-бандидан «имтиҳон комиссиясига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Солиқ маслаҳатчиси сертификатини олиш учун даъвогар бўлимлар бўйича камида қуйидаги миқдордаги саволларга тўғри жавоб бериши лозим:

юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш — 15;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи — 9;

солиқ ҳуқуқи, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари — 12.

Бунда тест натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар миқдори имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар умумий миқдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ
ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР,
ИЖАРА ТЎЛОВИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ
МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ
ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилган.

Рўйхат рақами 2336

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 10-сон, 111-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда) 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ

қўмитаси қарор қиладилар:

1. Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***2012 йил 16 мартдан кучга киради.**

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
22-сон**

**Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2012-13-сон**

Тошкент ш., 2012 йил 24 февраль.

**БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ
ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН
ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ
МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИ**

**I. Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик
йиғимларнинг минимал миқдорлари**

Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳар	сўм	
				Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.	Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:				
1.1.	Мевалар: Хўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча, қулупнай, малина ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
	цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ. к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар.	1 ўрин/кунга	6 100	4 400	2 200
	Қуруқ мевалар, ёнғоқлар: туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	6 100	4 400	2 200
1.2.	Сабзавотлар: картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампери, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг (шу жумладан, иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг) ва ҳ. к. ҳамда пиширилган жўхори	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
1.3.	Полиз маҳсулотлари: ҳандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	6 100	4 400	2 200
1.4.	Дон маҳсулотлари: гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупа), бугдой, сўли, арпа ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	2 900	2 200	1 100
1.5.	Дуккакли маҳсулотлар: мош, ловия, нўхат ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	2 900	2 200	1 100
1.6.	Сут маҳсулотлари: сут, қатик, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
1.7.	Тузламалар: карам, бодринг, помидор ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	3 700	2 200	1 600
1.8.	Зиравор ва дориворлар (зира, мурч, қалампир ва ҳ. к.) ҳамда асал	1 ўрин/кунга	3 700	2 200	1 600
1.9.	Кўкатлар (шу жумладан иссиқхонада етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
1.10.	Тухум	1 ўрин/кунга	3 700	2 200	1 600
1.11.	Гуллар ва қўчатлар (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	3 300	1 600	1 100
1.12.	Нон маҳсулотлари (оби нон, патир ва ҳ. к.)	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
1.13.	Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари ва уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	3 700	2 200	1 600
1.14.	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва салқин ичимликлар	1 ўрин/кунга	5 500	3 500	2 000
1.15.	Миллий таомлар	1 ўрин/кунга	6 500	4 500	2 500
1.16.	Полиэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилари	1 ўрин/кунга	3 000	2 000	1 000
1.17.	Супурги	1 ўрин/кунга	2 200	1 600	900
1.18.	Тирик балиқ	1 ўрин/кунга	5 500	3 300	2 200
1.19.	Халқ ижодкорлиги, халқ ҳунармандчилиги ва косибчилик товарлари (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	1 100	1 100	1 100

<i>T/p</i>	<i>Маҳсулот тури</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>Тошкент шаҳар</i>	<i>Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар</i>	<i>Туманлар</i>
2.	Гўшт маҳсулотлари: мол, қўй, чўчқа, парранда гўшти, жигар, думба ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	5 500	3 300	2 200
3.	Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:				
	енгил автомашиналардан	1 машина	6 500	3 500	2 500
	юк автомашиналаридан	1 машина	10 000	6 000	3 500
	тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан	1 машина	19 000	6 000	3 500
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, махсус ажратилган жойларда) (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	4 000	3 000	1 500
4.	Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва ҳ. к.	1 машина	6 500	4 000	2 500
5.	Қурилиш материалларини сотиш:				
5.1.	Бозорлар ва савдо комплекслари томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:				
	6 кв. метргача	1 ўрин/кунга	3 000	2 000	1 500
	6 дан — 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	5 000	3 000	2 000
	15 дан — 30 кв. метргача	1 ўрин/кунга	7 000	4 000	3 000
5.2.	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильниклар ва ҳ. к.) сотиш (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	3 000	2 000	1 500
6.	Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиш:				
	Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	4 400	2 700	2 400
	Уй-рўзгор жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар	1 ўрин/кунга	2 500	2 000	1 500
7.	Автотранспорт воситаларини сотиш:				
	енгил автомашиналар ва микроавтобуслар	1 дона	15 400	5 500	5 500
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	22 000	6 600	6 600
	мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	2 200	2 200	2 200
	велосипедлар	1 дона	1 600	1 600	1 600
8.	Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун				
8.1.	От, той, туя	1 бош	7 200	4 900	2 200
	бўталоқ, эшак	1 бош	3 500	2 500	1 500
8.2.	Йирик шохли қорамол:				
	йирик шохли қорамол (шу жумладан сигир бузоғи билан)	1 бош	7 200	4 900	2 200
	бузоқ	1 бош	3 500	2 500	1 800
8.3.	Майда шохли қорамол:				
	қўй, эчки (қўй қўзиси билан, эчки улоғи билан ва ҳ. к.)	1 бош	2 800	2 500	1 100
	қўзи, улоқ	1 бош	1 500	1 200	800
8.4.	Чўчқалар, чўчқа болалари	1 бош	2 800	2 500	1 100
9.	Уй паррандалари: курка, товуқ, ўрдак, гоз	1 бош	800	600	600
	товуқ, курка, ўрдак, гоз жўжалари	10 бош	800	600	600
10.	Итлар ва мушуклар	1 ўрин/кунга	2 800	2 500	1 100
11.	Манзарали қушлар ва балиқлар	1 ўрин/кунга	2 800	2 500	1 100
12.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар	1 ўрин/кунга	1 000	800	600
13.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари ва тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда	1 ўрин/кунга	3 000	2 700	1 300
14.	Пойабзал таъмирлаш хизмати	1 ўрин/кунга	2 500	1 000	800

II. Бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларининг минимал миқдорлари

сўм

<i>T/p</i>	<i>Кўрсатилган хизматлар учун</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>Тошкент шаҳар</i>	<i>Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар</i>	<i>Туманлар</i>
1.	Инвентарларни ижарага бериш:				
1.1.	Тош-тарозилар учун	1 кунга	1 100	700	500
1.2.	Катта юк тортиш тарозилари учун				
	150 кг. гача	1 кунга	2 200	1 100	800
	150 кг. дан 1500 кг. гача	1 кунга	7 700	5 500	4 400
1.3.	Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва ҳ. к.) (бутун тўплам учун) (тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	1 100	800	500
1.4.	Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, энглик) (бутун тўплам учун) (тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	400	300	200
1.5.	Маҳсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	1 100	800	500
1.6.	Аравачалар учун	1 кунга	1 100	800	500
1.7.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 м ²)	1 кунга	1 100	800	500
2.	Кўрсатиладиган хизмат турлари:				
2.1.	Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш:				
	совуткичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ. к. учун)	1 кунга	1 700	1 600	1 600
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ. к. учун)	1 кунга	1 100	1 100	1 100
	бозор худудидаги расталарда ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	1 100	1 100	1 100
2.2.	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50 x 50 x 100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	1 500	1 000	800
2.3.	Маҳсулотларни тарозида тортиш:				
	катта юк тарозида	1 марта тортиш	1 000	600	500
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	1 100	1 100	800
2.4.	Автотарозилардан фойдаланиш:				
	юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	8 000	2 000	1 500
	юксиз	1 марта ўлчаш	5 000	1 500	1 100
	юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали ва ярим тиркамали юк автомашиналаридан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 500	1 200	1 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 500	1 000	800
	енгил автомашиналардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 000	1 000	800
	юксиз	1 марта ўлчаш	1 500	800	600
	тиркамали енгил автомашиналардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 500	1 200	1 000
юксиз	1 марта ўлчаш	2 000	1 000	800	
2.5.	Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)	1 кунга	5 500	3 300	3 300
2.6.	Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:				
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	1 000	500	400
	юк автомашиналари учун	1 соатга	1 200	600	500
2.7.	Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш	1 марта	400	300	200
2.8.	Телефондан фойдаланиш	1 марта	200	100	100
2.9.	Радиоузел орқали эълон бериш	3 марта такрор	400	300	200

III. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг минимал миқдорлари

Т/р	Тўлов турлари	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳар	сўм	
				Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.	Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўлови				
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	25 000	12 000	6 000
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	22 000	10 000	5 000
	Умумий овқатланиш	1 кв. метр учун	25 000	12 000	6 000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ. к.)	1 кв. метр учун	10 000	5 000	3 000
2.	Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар эгаларидан бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови:				
2.1.	Мулк мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлганда:				
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
	Умумий овқатланиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	6 000	3 500	2 500
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ. к.)	1 кв. метр учун	6 000	3 500	2 500
2.2.	Ер ва мулк мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлганда:	1 кв. метр учун	1 500	1 200	1 000
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	1 500	1 200	1 000
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	1 500	1 200	1 000
	Умумий овқатланиш	1 кв. метр учун	1 500	1 200	1 000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	1 200	1 000	800
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ. к.)	1 кв. метр учун	1 200	1 000	800

Изоҳ:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов со-тиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

IV. Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилadиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат палатаси раиси
А.ШАЙХОВ.**

2012 йил 24 февраль

**«ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ
МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ
ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2134-2**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 10-сон, 112-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 351-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сонли қарори (рўйхат рақами 2134, 2010

йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 33-сон, 284-модда) билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2012 йил 19 мартдан кучга киради.**

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
17-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2012-4-сон

Тошкент ш., 2012 йил 8 февраль.

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 2012 йил 8 февралдаги 17, 2012-4-сон қарорига
ИЛОВА

**«ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ, ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР
ТОМОНИДАН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 5-бандда:
қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар солиқ тўловчининг асосий фаолият тури автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатиш бўлса, унда ЯСТнинг энг кам миқдори автомобиль транспортида юк ташишни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб, ҳар бир автотранспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 9-бандда:

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилардаги «6,5» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин;

4-мисол қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-мисол. Кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

автомобиль транспортида юк ташиш бўйича хизматлар;

худудий жиҳатдан алоҳида бўлган таркибий тузилма томонидан амалга ошириладиган ноозиқ-овқат маҳсулотларининг — автомобиль эҳтиёт қисмларининг чакана савдоси.

Юк ташиш хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 60%ини ташкил этади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 40%ини ташкил этади.

Ушбу корхона учун автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатиш асосий фаолият туридир. Ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин ва у бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган. Ушбу ҳолатда, бутун корхона бўйича тўлаши лозим бўлган ЯСТ суммаси, ҳар бир автотранспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатишни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ

суммасидан кам бўлмаслиги лозим. Бунда, ушбу корхона учун ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси асосий фаолият тури эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, ЯСТнинг энг кам миқдори ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси қисми бўйича татбиқ этилмайди.

Масалан, корхона балансида 6 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган 5 та юк автомобилга эга. ЯСТнинг энг кам миқдори қуйидагича ҳисобланади:

5 (юк автомобили) x ЭКИХнинг 3 баравари (8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида белгиланган) = ЯСТнинг энг кам миқдори суммаси.

Агар корхона юк ташиш хизматларини қатъий белгиланган солиқ ставкалари транспорт воситаларининг юк кўтариш қувватларига қараб табақалашган ҳар хил юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари орқали амалга ошираётган бўлса, ЯСТнинг энг кам миқдори ҳар бир автотранспорт воситаси учун, юк кўтариш қувватларига қараб, қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Масалан, корхона балансида 10 та юк автомобилларига эга, шулардан:

2 та юк автомобили — 2 тонна юк кўтариш қувватига эга;

3 та юк автомобили — 5 тонна юк кўтариш қувватига эга;

5 та юк автомобили — 10 тонна юк кўтариш қувватига эга.

Бундай ҳолда ЯСТнинг энг кам миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

2 (юк автомобили) x ЭКИХнинг 2 баравари (3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида белгиланган) = X1;

3 (юк автомобили) x ЭКИХнинг 3 баравари (8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида белгиланган) = X2;

5 (юк автомобили) x ЭКИХнинг 4 баравари (8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 4 баравари миқдорида белгиланган) = X3;

X1 + X2 + X3 = ЯСТнинг энг кам миқдори суммаси».

3. 12-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом татбиқ этиладиган солиқ тўловчилар ЯСТ ҳисоб-китоби билан бирга ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган Маълумотнома-ҳисоб-китобни илова қиладилар, ҳисобот чораги якунлари бўйича асосий фаолият тури автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатиш бўлган ЯСТ тўловчилари эса ушбу Низомнинг 1а-иловасида келтирилган шаклда Маълумотнома-ҳисоб-китобга ҳисобот даври учун ЯСТнинг энг кам миқдори тўғрисидаги иловани ҳам илова қиладилар».

4. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ 1а-илова билан тўлдирилсин.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

Маълумотнома-ҳисоб-китобга
Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори тўғрисида илова
20__ йилнинг _____ чораги учун

Автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қувватлари	Автотранспорт воситаларининг сони			Қатъий белгиланган солиқ ставкаси	Энг кам иш ҳақи миқдори			ЯСТнинг энг кам миқдори суммаси			Жами (9 уст. + 10 уст. + 11 уст.)
	1 ой	2 ой	3 ой		1 ой	2 ой	3 ой	1 ой	2 ой	3 ой	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
3 тоннагача											
8 тоннагача											
8 тоннадан ортиқ											
Чорак учун ЯСТнинг энг кам миқдори суммаси	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	

Изоҳ: ушбу илова асосий фаолият тури автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатиш бўлган ягона солиқ тўловчилари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
М.Ў. _____
(имзо)

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

кооперацияси негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш иштирокчилари ва маҳаллийлаштириш лойиҳалари сонини кенгайтириш, саноат кооперациясига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш;

худудий ва тармоқ саноат ярмаркаларида тузилган ҳажмларга нисбатан 2012 йилда кўшимча равишда 15%дан кам бўлмаган, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 2013 йилда умумий ҳажмда 25%дан кам бўлмаган маҳсулот сотиб олиш ва экспорт қилиш шартномаларини тузиш.

Ҳужжат билан саноат ярмаркалари муваффақиятли ўтиши учун бошқа тадбирлар ҳам назарда тутилган.

ТАМАКИ ЎРНИГА ГАЗЕТА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» қарори (28.02.2012 йилдаги 56-сон) билан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар янгиланди.

● Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомга (ВМнинг 1.07.2003 йилдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ бутун республика бўйича марказлаштирилган тартибда ягона чакана нархлар белгиланадиган нефть маҳсулотларини АЁҚШ орқали ва нефть базаси таркибига кирувчи бошқа бўлинмалар орқали сотишда республика бюджетига ўтказиладиган маблағларга ЯСТ солинмайди.

АЁҚШнинг белгиланган чекланган устамасидан ортиқ бўлган, маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак бўлган чакана нарх билан сотиб олиш нархи ўртасидаги тафовут ялпи даромадга солиқни ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объектига (бундан олдин – ялпи даромадга) киритилмайди.

Низомга киритилган меъёрга мувофиқ, чакана нарх билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

● Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси (ВМнинг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган) Президентнинг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672-сон қарори 4-бандига мувофиқлаштирилди, яъни, таҳририят, нашриёт ва матбаа корхоналари ходимларининг сони «21–50» дан «21–100»га ўзгартирилди.


● Божхона тўловларини тўлашдан озод этиш кўринишидаги қуйидаги имтиёзларни 2014 йил 1 январгача узайтириш ҳақидаги ўзгартиришлар киритилди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги «2009–2012 йилларда чармпойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 169-сон қарорига – тасдиқланган рўйхатга мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган импорт бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларга;

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 июлдаги «Республикада ишлаб чиқари-

рилмайдиган, сут ва гўшт етиштириш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган, божхона тўловларидан озод қилиниши керак бўлган (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) технологик ускунага эҳтиёт қисмлар, ёрдамчи материаллар, ингредиентлар, компонентлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 212-сон қарорига – тасдиқланган рўйхатга мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, сут ва гўшт етиштириш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган технологик ускунага эҳтиёт қисмлар, ёрдамчи материаллар, ингредиентлар, компонентларга.

● Хусусий тадбиркорлар юридик шахс



ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартиришга мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркор тамаки маҳсулоти билан чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур меъёр «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунга (5.10.2011 йилдаги ЎРҚ-302-сон) мувофиқлаштирилди ва 2012 йил 7 апрелдан кучга киради.

Мазкур Рўйхат яқка тартибдаги тадбиркор шугулланиши мумкин бўлган яна бир фаолият тури – газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш билан тўлдирилди.

● Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 февралдаги «Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисmini жамлаш ва улардан фермер хўжалиklarининг фойдаланиши тартиби тўғрисида» 30-сон қарори ҳамда у билан тасдиқланган Низомга киритилган ўзгартиришларга кўра фермер хўжалиklarидан тушган ижобий тафовут маблағларининг тармоқ корхоналарининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини қоплашга мақсадли йўналтирилиши учун масъулият юклатилган мансабдор шахслар рўйхати «Агротехсервис» МЧЖ, «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» АЛК ва «Ўзмашлининг» ШЖ раҳбарлари билан тўлдирилди. Низомда эндиликда пахта толасини сотишнинг ички (сотиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутнинг 50 фоизини (бундан олдин – 25 фоизини) жамлаш ва улардан пахта хом ашёси етиштираётган фермер хўжалиklarининг фойдаланиши тартиби ҳам белгиланган.

КЎМИР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎПАЯДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 29.02.2012 йилдаги 58-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 2012 йил 1 июлгача «Ўзбекқўмир» ОАЖнинг 12 филиали бўлган унитар корхоналар шаклида 3 та дистрибьюторлик марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Кўрсатиб ўтилган минтақалар истеъмол-

чиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида улар аҳоли ва бюджет ташкилотларига кўмир етказиб берадилар. «Ўзбекқўмир» ОАЖнинг ўз маблағлари (2,1 млрд сўм) ва Халқ банкнинг 1 йил имтиёзли даврни қўшган ҳолда 3 йилгача муддатга йиллик 16 фоизли ставка билан бериладиган кредит маблағлари (7,4 млрд сўм) худудий дистрибьюторлик марказларини ташкил этиш ишларини молиялаштириш манбалари этиб белгиланди. «Ўзбекқўмир» ОАЖнинг лойиҳалаш ишлари бошқармасига 2012 йил 1 апрелгача бўлган муддатда худудий дистрибьюторлик марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқиш топширилган. Марказларни қуриш ва жиҳозлаш бўйича бош пудратчи функцияларини «Кўмир кон қурилиш» унитар корхонаси амалга оширади.

РИЭЛТОРЛАР ИМТИЁЗЛИЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

МВ ва ДСҚнинг қўшма қарори (АВ томонидан 2.03.2012 йилда 1594-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1594, 17.07.2006 йил) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, имтиёзларнинг амал қилиш муддати Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорининг 8-бандига мувофиқлаштирилиб, у «2012 йил 7 январга қадар»дан «2014 йил 1 январга қадар»га ўзгартирилди.

Мазкур солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган хизматлар рўйхатига риэлторлик хизматлари киритилди, уларга:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари киради.

12.03.2012 йилдан кучга кирди.

СОТИШ УЧУН СОТИБ ОЛИНАДИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг қарорлари (АВ томонидан 2.03.2012 йилда 1677-2 ва 1679-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низом билан Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга Президентнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1604-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 294-сон қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилди. Кўрсатиб ўтилган Низомларда «харидор» тушунчаси аниқлаштирилган бўлиб, унга мувофиқ ишларни бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун цемент ва шифердан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахс-

лар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни улгуржи ва (ёки) чакана сотишга ҳақли.

2012 йил 12 мартдан кучга кирди.

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ СТАНДАРТИ

Президентнинг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сон қарорини бажариш мақсадида адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2.03.2012 йилда 2333-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори тасдиқланди. Классификаторни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жойлаштириш ва ривожлантиришни таъминлаш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига юкланди. Буйруққа мувофиқ Классификаторни ривожлантириш бўйича махсус комиссия ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Классификаторни янги ҳуқуқ институтлари ташкил этилиши ва мавжуд ҳуқуқ институтларининг такомиллашиши муносабати билан ривожлантириб бориш;

Классификаторни ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Классификаторни ривожлантириш бўйича ташкилотлар ва фуқароларнинг таклифларини ўрганиб чиқиш;

Классификаторнинг унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инobatта олган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳар йили эълон қилинишини таъминлаш.

2012 йил 12 мартдан кучга кирди.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИ ТАЛАБЛАРИ

Давлат мулки қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2.03.2012 йилда 2152-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда баҳолаш объектлари хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб 1 календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказишга доир хизматлар қийматини чегириш йўли билан аниқланади.

Шунингдек баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш бўйича баҳоловчи ташкилот хизматларининг ЭКИҲни қўллаш қисмидаги қиймати баҳолаш санасига белгиланади (олдин – эксперт хулосаси тайёрланган санасига).

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

2012 йил 12 мартдан кучга кирди.

2012 йил 21 февралдан 2 мартгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

